

ҲУДУДЛАР ВА САНОАТ СОҲАСИ БЎЙИЧА КИЧИК БИЗНЕСНИНГ РИВОЖЛАНИШ ДИНАМИКАСИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

Салимов Бахтиёр Таджиевич,
ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ходжибаева Иқбола Валиевна,
НамҚМИ катта ўқитувчиси
E-mail: iqbola2281@gmail.com

Аннотация: Мақолада кичик бизнеснинг Республика, ҳудудлар ва саноат соҳаси бўйича ривожланиш динамикаси, хусусиятлари, ҳамда унинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби таҳлил қилинган. Шунингдек ҳудудлар бўйича кичик бизнеснинг устувор йўналишлари ва кичик саноат зоналарини барпо этиш ҳамда ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Аннотация: В статье анализируются особенности динамики развития малого бизнеса в республике, в разрезе регионов и в сфере промышленности, а также структура малого бизнеса в видах экономической деятельности. Разработаны соответствующие выводы и рекомендации по приоритетным направлениям развития малого бизнеса в регионах и малых промышленных зонах.

Abstract: The article analyzes the features of the dynamics of small business development in the Republic, by region and in industry, as well as the structure of small business and economic activities. Corresponding conclusions and recommendations on priority areas of small business development in the regions and small industrial zones were developed.

Калит сўзлар: кичик саноат зонаси, индекс усули, кичик бизнес, кооперация, рентабеллик, КБни фаоллаштириш механизмлари.

Кириш

Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ) субъектлари ривожланган ва ривожланаётган давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминловчи таянч омиллардан бирига айланди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳақиқий бозор субъектлари бўлиб, маҳсулот турини, ишлаб чиқариш ҳажмини, нархини мустақил равишда белгилайди ва мавжуд рискни зиммасига олган ҳолда фаолият юритади. Ривожланган давлатлар тажрибасидан маълумки, бир йил давомида минглаб кичик бизнес субъектлари синади, минглаб янгилари очилади. Самарқанд вилояти статистика бошқармасининг маълумотларига кўра 2016 – йилнинг ўзида вилоят бўйича янгидан ташкил қилинган КБХТ субъектлари сони 2305 та бўлган бўлса 1486 таси тугатилган, 819 таси, яни 35 фойизи ўз фаолиятини давом эттирган. АҚШда янги яратилган кичик бизнеснинг 70 фоизи шу йилнинг ўзида ўз фаолиятини тўхтатади [3, 224 – 223, б]. Бундай ҳолат кичик бизнес соҳасида табиий ҳолат бўлиб ҳисобланади. Лекин, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳар бир давлатни ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ўз ўрнига эга. Ўзбекистон шароитида ҳам КБХТ иқтисодиётнинг барча соҳаларини, тармоқларини ривожланишига қўшаётган, ҳиссаси ниҳоятда катта ва бу кейинчилик ҳам сақланиб келади. Ҳозирги кунда химия, қурулиш материаллари, текстиль, пойафзал ва озиқ-овқат саноати маҳсулотларини ишлаб чиқаришда КБХТ нинг мавқеи ортиб бормоқда, лекин, шу айтиб ўтилган

соҳаларда инновацион ва экспортбop маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи кичик бизнеснинг ўрнини ошириш масаласи ўзининг долзарблигича қолмоқда. Шу муносабат билан, устувор инновацион соҳаларда фаолият кўрсатувчи, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босувчи маўсулот ва хизматлар ишлаб чиқарувчи, истиқболли КБХТ субъектларини давлат томонидан мақсадли дастурлар ёрдамида қўллаб-қувватланиши, келажакда республикамизда йирик, иқтисодий бақувват корхоналарни пайдо бўлишига замин яратади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Кўпчилик чет эл олимларининг илмий ишларида ҳам ушбу мавзу кенг ёритилган. Хусусан, Россиялик олим В.Г. Басареванинг илмий ишида [3], кичик бизнесни регионларда фаоллаштиришнинг механизмлари, кичик тадбиркорликни қўллаб – қувватлаш борасида давлатнинг ҳудудий сиёсатини ишлаб чиқиш масалалари кўрилган. Россиялик бир нечта муаллифлар томонидан тайёрланган илмий ишларда [7], кичик бизнесни ривожлантиришни тадқиқ этишда фойдаланиладиган назарий ва методологик ёндашувларни асослаш масалалари ва кичик бизнесни ривожлантиришни қўллаб – қувватлашнинг инструментлари , уларнинг ҳудудий хусусиятлари ўрганилган. Маҳаллий олимлардан: Ё.Абдуллаев, Ф.Каримовларнинг илмий ишида [1], кичик бизнес ва тадбиркорликнинг назарий, ташкилий ва иқтисодий томонларига асосий эътибор қаратилган. М.М. Абдурахмонованинг [2] ва У.В. Гафуровнинг [4], ишларида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш масалалари кўрилган. Р.Б. Гамидуллаев, Л.А.Гамидуллаеваларнинг [5], илмий ишида кичик фирмалар инновацион фаолиятининг ташкилий – иқтисодий омиллари ва уни қўллаб-қувватлаш шакллари ўрганилган. И.У. Ибрагимовнинг ишида эса [6], кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини бошқариш механизмини такомиллаштириш масалалари Наманган вилояти мисолида кўрилган.

Ушбу ишларда кичик бизнеснинг ҳудудлар кесимида ривожланиш динамикаси ва унинг хусусиятларига етарли даражада эътибор берилмаган.

Тадқиқот методологияси

Мақола мавзуси ҳудудлар ва саноат соҳаси бўйича кичик бизнесни ривожланишига бағишланган бўлиб, аввало мавзу долзарблиги асосланди, ушбу соҳа бўйича хорижий ва маҳаллий олимларнинг илмий ишлари ўрганилди. Ҳудудлар кесимида кичик бизнесни ривожланиш ҳолати тизимли, таққослама, гуруҳлаш ва индекс усуллари ёрдамида таҳлил қилинди.

Таҳлил ва натижалар

2017 йилда КБХТ нинг республика ялпи ички масулотидаги (ЯИМ) улуши 53.3 фоизни ташкил этган. Мамлакатимиз бўйича 2017 йилнинг статистик маълумотларига кўра КБХТ нинг иқтисодий фаолият турларидаги улуши катта бўлиб, юқоридаги айтилган фикрларни янада тасдиқлайди, 1 – жадвал.

КБХТ нинг энг юқори улуши иқтисодий фаолият турларининг, қишлоқ хўжалигига -99,0 %, пассажирларни ташиш айланмаси - 94,8 %, савдо - 88,4, юк айланишига - 77,9 % тўғри келади. Аҳолини иш билан таъминлашда ҳам КБХТ муҳим ўрин тутати. Меҳнат ресурсларининг 78,3 фоизи шу соҳада иш билан банд.

1-жадвал

2017 йилда КБХТнинг иқтисодий фаолият турларидаги улуши, % да

№	Иқтисодий фаолият турлари	Улуши
1	Ўзбекистон Республикаси ЯИМ	53,3
2	Саноат	39,6
3	Қишлоқ хўжалиги	99,0
4	Инвестициялар	32,0
5	Қурилиш	65,1
6	Савдо	88,4
7	Хизматлар	58,4
8	Юк ташиш	55,7
9	Юк айланмаси	77,9
10	Пассажирларни ташиш айланмаси	94,8
11	Бандлик	78,3
12	Экспорт	27,0
13	Импорт	50,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Мамлакатимиз ЯИМ тининг асосий компонентлари бўлган саноат ишлаб чиқаришда КБХТ нинг улуши 39,6 % га, хизматлар соҳасида -58,4 %, қурилишда 65,1 % ва экспортда -27,0 % ни ташкил этган.

2017 йилда ҳудудлар кесимида КБХТ нинг саноат, хизматлар, қурилиш ва бандлик соҳаларидаги улушини қараймиз (2-жадвал). Саноат ишлаб чиқаришда КБХТ нинг юқори улушини Тошкент шаҳрида (71,3 %), Наманган (68,4 %) ва Жиззах (61,3 %) вилоятларида кўришимиз мумкин. Бу вилоятларда йирик саноат корхоналари, нисбатан, паст ривожланганидан далолат беради. Маълумки, ривожланган давлатларда кичик бизнес сони кўп бўлишига қарамай, йирик фирмаларга саноат ишлаб чиқаришнинг 2/3 қисми тўғри келади, яъни 63 % и. Ушбу кўрсаткич паст бўлган ҳудудларга Қашқадарё (23,1 %), Навоий (18,8 %) ва Тошкент (29,6 %) вилоятларини киритиш мумкин. Бу вилоятларда йирик корхоналарнинг ўрни юқори эканлигини билдиради. Қолган вилоятларда ҳам, саноат ишлаб чиқаришда йирик корхоналарнинг ўрни нисбатан, юқорилигини кўраимиз. Самарқанд вилоятида КБХТ нинг саноат ишлаб чиқаришдаги улуши 55,5 % га тенг бўлиб, бу ерда ҳам асосий ўринни КБХТ эгаллайди.

КБХТ нинг ҳудудлар кесимида хизматлар ва қурилиш соҳасида юқори улушга эгаллигини кўраимиз. Республика бўйича хизматлар соҳасида КБХТ ни улуши 58,4 фоизни ташкил этган бўлса, Тошкент шаҳридан бошқа барча ҳудудларда ушбу кўрсаткич республика кўрсаткичидан юқори. Аҳоли даромадларининг ортиши хизматларга бўлган талабни ортишига олиб келиши КБХТ нинг бу соҳадаги устун мавқеи келажакда ҳам сақланиб қолинишини билдиради. КБХТ ҳудудларда аҳолини иш билан бандлигини таъминлашда ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Қайси ҳудудда иқтисодий фаолият турлари бўйича КБХТ улуши юқори бўлса ушбу ҳудудларга юқори бандлик даражаси тўғри келади. Наманган вилоятида бандлик - 83,4%, Андижон - 84,5%, Самарқанд - 84,5%, Хоразм - 82,9%, Жиззах - 82%. Энг паст бандлик Тошкент шаҳрига (56,8%) тўғри келади. Тошкент шаҳрида ушбу соҳалар бўйича йирик

компаниялар бирмунча кўплигини ва бошқа соҳаларнинг яхши ривожланганлигини билдиради.

2 - жадвал

КБХТ нинг соҳалар бўйича улуши 2017 йил, % да

Ҳудудлар	Саноат	Хизматлар	Қурилиш	Бандлик
Ўзбекистон Республикаси	39,6	58,4	65,1	78,3
Қорақалпоғистон Республикаси	18,0	61,3	79,2	75,2
Вилоятлар:				
Андижон	34,4	73,7	94,3	84,5
Бухоро	43,4	74,9	67,8	78,5
Жиззах	61,3	74,2	91,3	82,0
Қашқадарё	23,1	71,9	76,8	80,0
Навоий	18,8	67,3	75,4	60,3
Наманган	68,4	73,7	93,9	83,4
Самарқанд	55,5	76,5	92,3	84,5
Сурхондарё	45,8	76,3	79,4	81,1
Сирдарё	44,9	66,4	91,4	79,5
Тошкент	29,6	76,2	79,2	77,0
Фарғона	41,4	75,9	89,0	80,5
Хоразм	40,6	71,4	87,2	82,9
Тошкент ш.	71,3	51,1	66,8	56,8

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

КБХТ субъектлари томонидан 2013-2017 йилларда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмини қараймиз (3 – жадвал).

3-жадвал.

Ўзбекистон ҳудудларида КБХТ томонидан саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш, млрд.сўм

Ҳудудлар	Йиллар				
	2013	2014	2015	2016	2017
Ўзбекистон Республикаси	23311,8	30907,1	39643,5	50020,8	57095,3
Қорақалпоғистон Республикаси	533,1	713,3	1006,3	1188,2	1197,3
Андижон	1880,8	2446,8	3115,3	3880,7	4551,4
Бухоро	1117,7	1592,9	2121	2598,4	2758,8
Жиззах	461,3	579,4	773,6	1119,8	1402,1
Қашқадарё	1501,8	1754,2	2187	2643,8	2494,7
Навоий	992,4	1305,1	1802,9	2190,5	2460,9
Наманган	962,2	1385,7	1773,3	2347,6	2669,4
Самарқанд	1865,3	2539,4	3415,3	4898,8	5088,7
Сурхондарё	449,2	608,2	747,6	964,1	1003,2
Сирдарё	628,5	873,9	1136,3	1599	1528,9
Тошкент вил.	2734,4	3665,6	4440,6	5503	6230,6
Фарғона	1721,1	2329,7	3075,3	3641,1	3978,9
Хоразм	575	687,7	1018,4	1330	1553,4
Тошкент ш.	7889	10425,2	13030,6	16115,8	20177

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Жадвалдан кўриш мумкинки 2013-2017 йилларда, Қашқадарё ва Сирдарё вилоятларидан бошқа барча ҳудудларда саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўсиб борган. 2017 йилга келиб энг кўп саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш Тошкент шаҳрига (20177 млрд. сўм), Тошкент вилоятига (6230,6 млрд. сўм), Самарқанд (5088 млрд. сўм) Андижон (4551,4 млрд. сўм) вилоятларига тўғри келади. Энг паст ишлаб чиқариш Хоразм (1553,4 млрд. сўм), Сирдарё (1528,9 млрд. сўм), Жиззах (1402,1 млрд. сўм), Сурхондарё (1003,2 млрд. сўм) ва Қорақалпоғистон Республикасига (1197,3 млрд. сўм) тўғри келади. Қолган вилоятларда бу кўрсаткич ўртача бўлиб 2460,9 - 3978,9 млрд. сўм оралиғида. Шунинг таъкидлаш керакки, Тошкент шаҳрини эътиборга олмаганда, ҳудудларнинг ЯХМи ўрасидаги фарқ жуда катта, 2017 йилни қарайдиган бўлсак, энг юқори ЯХМ Тошкент вилоятига тўғри келади 6230.6 млрд сўм, энг паст-Сурхондарё вилоятига 1003.2 млрд сўм. Улар ўртасидаги фарқ 5227.4 млрд сўмни ташкил этмоқда. Бундай катта фарқ ҳудудларни ижтимоий – иқтисодий ривожланишининг нотекислигини келажакда кескинлашувига олиб келиши мумкин.

Ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига КБХТ субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти 5-жадвалда келтирилган.

5 - жадвал

Ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига КБХТ субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти, минг сўм

Ҳудудлар	Йиллар				
	2013	2014	2015	2016	2017
Ўзбекистон Республикаси	759,5	996,2	1255,5	1557,3	1748,5
Қорақалпоғистон Республикаси	307,0	404,6	561,8	653,8	649,9
Андижон	670,4	856,3	1070,4	1309,9	1511,3
Бухоро	636,4	892,2	1168,5	1409,5	1475,3
Жиззах	376,0	463,5	606,2	860,7	1059,0
Қашқадарё	518,7	592,7	722,8	855,9	792,4
Навоий	1101,3	1429,2	1943,0	2323,4	2569,3
Наманган	384,2	542,5	681,1	885,1	989,0
Самарқанд	541,4	722,5	953,0	1341,5	1368,1
Сурхондарё	194,6	257,9	310,0	391,5	399,2
Сирдарё	822,9	1124,6	1437,3	1991,0	1874,3
Тошкент вил.	1003,1	1328,9	1589,3	1945,0	2177,2
Фарғона	508,2	676,3	877,3	1021,4	1099,1
Хоразм	341,4	400,9	583,0	748,6	860,8
Тошкент ш.	3352,9	4396,4	5444,8	6648,2	8183,4

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Ушбу кўрсаткич 2013-2017 йиллар давомида 14 та ҳудуддан 11 тасида ўсиш тенденциясига эга. Қашқадарё, Сирдарё вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида бу кўрсаткич 2017 йилга келиб 2016 йилга нисбатан камайган. Республика бўйича бу кўрсаткич 2017 йилда 1748,5минг сўм бўлиб 2013 йилга нисбатан қарийб 2,3 баробарга ошган. 2017 йилда 4 та ҳудуднинг кўрсаткичи Республика кўрсаткичидан юқори бўлган, булар Тошкент шаҳри (8183,4 минг сўм), Навоий вилояти (2569,3 минг сўм), Тошкент (2177,2 минг сўм) ва Сирдарё (1874,3 минг сўм) вилоятлари. Энг паст кўрсаткичга эга ҳудудларга Наманган (989,0 минг сўм), Хоразм (860,8 минг сўм), Қашқадарё (792,5 минг сўм), Сурхондарё (399,19 минг сўм)

вилоятларини ва Қорақалпоғистон Республикасини (649,9 минг сўм) киритиш мумкин. Қолган вилоятларда бу кўрсаткич Республика кўрсаткичидан паст бўлса-да бир мунча унга яқин.

Ҳудудлар бўйича аҳоли жон бошига КБХТ субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотининг Республика кўрсаткичга нисбатан улушини, индексини қараймиз, 8-жадвал.

8 - жадвал

Ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига КБХТ субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотининг Республика кўрсаткичга нисбатан улуши индекси

Ҳудудлар	Йиллар				
	2013	2014	2015	2016	2017
Ўзбекистон Республикаси	1,00	1,00	1,00	1,00	1,00
Қорақалпоғистон Республикаси	0,40	0,41	0,45	0,42	0,37
Андижон	0,88	0,86	0,85	0,84	0,86
Бухоро	0,84	0,90	0,93	0,91	0,84
Жиззах	0,50	0,47	0,48	0,55	0,61
Кашқадарё	0,68	0,59	0,58	0,55	0,45
Навоий	1,45	1,43	1,55	1,49	1,47
Наманган	0,51	0,54	0,54	0,57	0,57
Самарканд	0,71	0,73	0,76	0,86	0,78
Сурхондарё	0,26	0,26	0,25	0,25	0,23
Сирдарё	1,08	1,13	1,14	1,28	1,07
Тошкент вил.	1,32	1,33	1,27	1,25	1,25
Фарғона	0,67	0,68	0,70	0,66	0,63
Хоразм	0,45	0,40	0,46	0,48	0,49
Тошкент ш.	4,41	4,41	4,34	4,27	4,68

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган

КБХТ субъектлари томонидан аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти миқдори Республика кўрсаткичига нисбатан юқори бўлган ҳудудлар, булар Тошкент шаҳри (4,68 баробар кўп), Тошкент вилояти (1,25 баробар кўп), Навоий (1,47 баробар кўп) ва Сирдарё (1,07 баробар кўп) вилоятлари. Жадвалдан кўриш мумкинки, ушбу ҳудудлар шу кўрсаткич бўйича ҳудудлар ичида лидерликни 2013-2017 йиллар давомида сақлаб келмоқдалар. Юқоридаги ҳудудлар, иқтисодий потенциали юқори ва саноати ривожланган ҳудудларга киради ва бу саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришда КБХТ субъектларига катта имкон яратади. Яна шуни таъкидлаш жоизки, қолган ҳудудларда ҳам ушбу индекс миқдори 2013-2017 йиларда, деярли барқарор бўлган, ўзгариш бўлса ҳам, у жуда кичик миқдорни ташкил этади. Республика индексига яқин бўлган ҳудудларга Андижон (0,86), Бухоро (0,84) ва Самарканд (0,78) вилоятларини киритиш мумкин. Энг паст индексга эга ҳудудлар, булар Қорақалпоғистон Республикаси (0,37) ва Сурхондарё вилояти (0,23) Қашқадарё вилояти (0,45), Хоразм (0,49). Бу ҳудудларда ушбу кўрсаткич Республика кўрсаткичининг 50 фоизидан ҳам паст даражада. Қолган ҳудудларда ҳам бу индексни нисбатан паст деб қараш мумкин.

Хулоса ва таклифлар

Аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти индекси паст бўлган ҳудудларда йирик саноат корхоналари билан бирга кичик бизнесни ривожлантириш учун шарт – шароитлар яратиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Саноати ривожланган ҳудудларда, Тошкент шаҳри, Тошкент, Андижон, Бухоро ва Навоий вилоятларида кичик бизнес билан йирик корхоналар ўртасида кооперацияни ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадга мувофиқ ва шу билан бирга бу ҳудудларда кичик бизнесни илғор хорижий технологиялар асосида ривожлантиришга эътибор қаратиш технопаркларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Норентабел ва зарар кўриб ишлаётган саноат корхоналарининг ер майдонларида кичик саноат зоналарни барпо этиш орқали кичик бизнесни ўсuvор соҳалар бўйича ривожлантиришга эътиборни қаратиш муҳим йўналиш ҳисобланади. Саноат ишлаб чиқариши юқори бўлган ҳудудларда йирик ва ўрта корхоналарни янги технологиялар асосида модернизациялаш, диверсификация қилиш, маҳаллийлаштириш, хорижий корхоналар билан қўшма корхоналар тузиш масалаларини муҳим йўналишлар сифатида келтириш мумкин. Рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқарувчи, истиқболли кичик бизнесни йирик корхонага айланишига кўмаклашиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. – Т.: Меҳнат, 2010. - 349 б.
2. Абдурахмонова М.М. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш. Дис. ... иқт. фан. номз. - Ф., 2012.
3. Басарева В.Г. Малый бизнес России: теоретические основы исследования, моделирование, концепция государственного регулирования / под ред. А.С. Новоселова. – Новосибирск: ИЭОПП СО РАН, 213 – 296 с
4. Гафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. Монография. – Т.: Молия, 2016. – 208 б.
5. Гамидуллаев Р.Б., Гамидуллаева Л.А. Организационно-экономические факторы инновационной деятельности и формы ее поддержки в малом предпринимательстве. Пензенская государственная технологическая академия, 2009. – С. 55-57.
6. Ибрагимов И.У. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини бошқариш механизмини такомиллаштириш (Наманган вилояти мисолида). Дис. ... иқт. фан. номз. - Т., 2012.
7. Стратегическое развитие малого бизнеса и формы поддержки индивидуального предпринимательства [Электронный ресурс]: монография. – Нижний Новгород: НОО “Профессиональная наука”, 2018. – Режим доступа: <http://scipro.Ru/Conf/monographbusiness>.